# Маҳаллада сайёр қабул

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси доирасида Олтиариқ туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Шамсиддин Турдалиев Қувурбоши маҳалласи аҳолиси иштирокида сайёр қабул ўтказди. Қабулда 30 нафардан ортиқ фуқаролар қатнашди ва ўнлаб мурожаатлар билдирилди. Аксарият мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар мутасадди раҳбарларга бириктирилди ва ўрнатилган тартибда ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланди.

2022-03-25 18:40:31